



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

30 (402)

2016 йил 3 август, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Истеъдодли ёшлар форумида ЎзМТДП гоёларига хайрихоҳ 25 нафар истиқлол тенгдоши партия сафига қабул қилинди

Парламент эшитуви қарорида белгиланган вазифалар ЎзМТДП дастурий мақсадлари ижросига хизмат қилади

Халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари йил бошидан бўён 120 депутатлик сўрови юборди

МУСТАҚИЛЛИК

25
ЙИЛ



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Парламент эшитуви

ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ахбороти эшитилди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуни мамлакатимиз парламенти фаолиятини янги bos-қичга кўтарди. Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий Давлат дастурларининг ижросини таъминлаш борасидаги ваколатини янада кенгайтирди.

Қонуннинг 3-моддасига биноан қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳларига парламент назорати субъекти мақоми берилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ана шундай ҳуқуқ ва ваколатидан самарали фойдаланиб, қонун ҳужжатлари ҳамда Давлат дастурлари ижроси таъминланишига ҳисса қўшишга интилоқда.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишнинг бориши тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

> 2-бет.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдида



Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Тошкент вилоят ҳамда шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида истеъдодли ёшлар форуми ташкил этилди

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ энг улғу, энг азиз байрамга қизгин ҳозирлик кўрилоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг чорак асрлик тўйини юксак савияда нишонлаш мақсадида ташкил этилаётган тадбир-

лар, учрашув ҳамда форумлар тинч, осойишта ҳаётимизга янада кўрк бағишламоқда. Мазкур тадбирларда бугунги озод ва обод кунларимизнинг, истиқлолнинг кадр-қимматини те-ран идрок этиш, қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизнинг мазмун-моҳиятини англаш, кеча ким эдигу бугун ким бўлгани-миз ҳамюртларимиз суҳбатининг бош мавзусига айланган.

> 3-бет.

Миллий гуруҳ

Нигинанинг эзгу орзулари



ТАБИҚ
Uz
E

1	1. ZOHRAVUSO Vajona	(1998)
2	2. FONDATKUNO Khatirayeva	(1998)
3	3. NIGINA Nigina	(1998)
4	4. NIGINA Nigina	(1998)
5	5. ZOHRAVUSO Vajona	(1998)
6	6. NIGINA Nigina	(1998)
7	7. NIGINA Nigina	(1998)
8	8. NIGINA Nigina	(1998)
9	9. NIGINA Nigina	(1998)
10	10. NIGINA Nigina	(1998)
11	11. NIGINA Nigina	(1998)
12	12. NIGINA Nigina	(1998)
13	13. NIGINA Nigina	(1998)

Спорт саломатликни мустаҳкамлаш билан бирга, ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси давлатни оламга машҳур қиладиган беқийёс воситадир.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларнинг замонавий билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши борасида яратилаётган шарт-шароитлар юртимиз равнақига ҳисса қўшиш ниятидаги интилувчан ўғил-қизларнинг орзуларига қанот бағишлаётир. Бундай юксак эътибор тўғрисида иқтидор салохиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, халқаро турнирларда халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариб, жаҳоннинг манаман деган спортчиларини ўз истеъдоди, маҳорати ва кучи билан лол қолдираётган спортчилар етиштиб чиқаётгани бунинг ёрқин далилидир.

> 6-бет.

ЎзМТДП ташкилотларида

Изчил ишлар, устувор вазифалар

ҳудудий кенгашлар кенгайтирилган йиғилишларида кенг муҳокама қилинмоқда

Шу кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик, партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар ижроси, партия вилоят кенгашларининг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари кенг муҳокама этилмоқда.

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, партия вилоят кенгаши фаоллари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев иштирок этиб, жумладан, шундай деди:

— Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида миллатимизнинг янги тарихи зарварақларидан муносиб жой олган, халқимиз хотирасида ўчмас ва шонли санага айланган энг улғу, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 25 йиллигини кенг нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилоқда.

> 4-бет.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини, айни пайтда, фракциялар қизгин муҳокама қилмоқда.

Демократик кучлар блоки

янги қонун лойиҳаси юзасидан ўз позициясини ишлаб чиқиб масъул кўмитага тавсия этди

Муҳокамалар жараёнида ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда позицияси, муносабати ва тақлифларини билдирмоқда. Парламентда кўпчиликини ташкил этувчи Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат Демократик кучлар блокнинг йиғилишида ҳам мазкур қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларда экологик маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги қонун лойиҳаси ўсимлик дунёсини объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва кўпайтириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ўсимлик дунёсини турлари таркиби, биохилма-хиллик ҳамда генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолишга хизмат қилади.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Баркамолликка интилиш саодати

Бунда таълим соҳасидаги ислохотлар муҳим омил бўлмоқда



> 5-бет.

Осмон билан бўйлашган бино



> 7-бет.

Атласу адрасга кўрк бағишлаган кўллар



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy Tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

